



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ ХАЛҚАРО АГРАР ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Бурхонова Гўзал Мухаммадиевна

Тошкент давлат аграр университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

Аннотация:

ушбу мақолада мураккаб термин тушунчасига берилган таърифлар келтирилган, ўзбек ва рус тилларидағи мураккаб аграр терминларнинг структур таҳлили амалга оширилган, аграр терминлар ясашда иштирок этадиган халқаро терминэлементларнинг семантик маънолари очиб берилган.

Калит сўзлар: мураккаб термин, терминэлемент, сўз ясовчи морфема, терминологик бирикма, ўзак, негиз, олд қўшимча, суффикс.

Аннотация:

в данной статье представлены определения сложному термину, осуществлен структурный анализ сложных аграрных терминов узбекского и русского языков, раскрыты семантические значения международных терминэлементов, участвующих в образовании аграрных терминов.

Ключевые слова: сложный термин, терминэлемент, словообразовательная морфема, терминологическое сочетание, корень, основа, приставка, суффикс. Таркибиға кўра терминлар содда (бир ўзакли сўз), мураккаб (икки ва ундан ортиқ ўзакли сўз) ва термин-сўз бирикмалариға (икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлардан ташкил топган) бўлинади.

В.Буковска ҳам «Проблема выделения типов терминов, классификация» номли мақоласида терминларни термин-сўз ва термин-сўз бирикмасига,



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

термин сўзларни эса, ўз навбатида, ўзакли, аффиксал ва мураккаб терминларга ажратади¹.

Мураккаб терминларга энг яққол мисол сифатида халқаро терминэлементлар иштирокида ясалган терминларни келтириш мумкин. Шу ўринда терминэлемент нима эканлигига ҳам тўхталиб ўтамиз.

“Терминэлемент” тушунчасини лингвистикага биринчи бўлиб Д.С.Лотте олиб кирган: “терминоэлемент” деганда мустақил маънога эга бўлган; содда ёки мураккаб термин таркибига кирувчи сўзлар тушунилади. Масалан, *коробка передач* терминида иккита терминоэлемент мавжуд: коробка ва передача².

Д.С.Лоттедан сўнг кейинчалик В.П.Даниленко терминэлемент ҳақида “тeng асосларда негиз, сўз ясовчи морфема, терминологик бирикма таркибидаги сўз, рамз, алоҳида рамзий сўз турига кирадиган рақам, график белгиларни ўз ичига оладиган тушунча”³, деб ёзади. Шунингдек, у рус тилининг ўзида ҳам шундай терминэлементлар борлигини кўрсатади: “Рус тилида ҳам стандарт терминэлементлар бор: *-вод*, *-воз*, *-коп*, *-лет*, *-мер*”⁴.

Терминэлементлар асосан лотин ва юонон тилларида мустақил сўзларнинг қисқарган шакли бўлиб, бошқа терминларга қўшилган ҳолда мураккаб терминлар ясади. О.Н.Дмитриева «Перевод сложных и производных клинических терминов на занятиях по латинскому языку и основам медицинской терминологии» номли мақоласида “Терминэлемент бу сўз ҳосил қилувчи элемент (ўзак, негиз, олд қўшимча, суффикс) бўлиб, доимий маънога эга ва бир маъноли қатор терминини ҳосил қиласди”⁵ деб ёзади.

А.А.Реформатский “Введение в языкоковедение” китобида “терминэлемент” тушунчасини конкретлаштиради, терминэлементларни олиш манбаларини

¹ Буковска В. Проблема выделения типов терминов, классификация / International jurnal of Management and Economics 5, 1998. – 199-208 с. – С. 200. International_Journal_of_Management_and_Economics-r1998-t5-s199-208.pdf. Мурожаат санаси: 04.08.2024.

² Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии / Вопросы теории и методики. – М.: Изд-во Академии Наук СССР, 1961. – 157 с. – С.15.

³ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва: Издательство Наука, 1977. – 246 с. – С.107.

⁴ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва: Издательство Наука, 1977. – 246 с. – С.119.

⁵ Дмитриева О.Н. Перевод сложных и производных клинических терминов на занятиях по латинскому языку и основам медицинской терминологии / Научно-методический эл. журнал Концепт, 2017. – Т.30. – С 16. // <http://e-koncept.ru/2017/770955.htm>. Мурожаат санаси: 04.08.2024.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

күрсатади ва уларга энг маҳсулдор сўз ясовчи элемент деб қарайди. У терминларни ўз тили ва хорижий тиллардан ҳосил қилишдан ташқари яна “Уйғониш давридан бошлаб, учинчи йўли ҳам бор: “ҳеч кимга тегишли бўлмаган” антик меросдан, яъни юонон ва лотин тилларининг сўз ясовчи моделлари ва элементларидан фойдаланиш йўли бор” деб изоҳлайди. Қадимги юонон ва лотин ўзакларидан ҳамда уларни қўшиш, префикс ва суффикслар ёрдамида ҳар қандай тилда сунъий терминларининг чексиз миқдорини ҳосил қилиш мумкин”⁶, деб ёзади ва фикрининг исботи тариқасида бир қанча мисоллар келтиради.

Демак, хулоса қилиб айтганда, терминэлемент – бу асосан қадимги юонон ва лотин тилларидағи мустақил сўзларнинг қисқарган шакли бўлиб, турли хил терминологияларда сўз ясовчи элемент бўлиб хизмат қиласида ва доимо ўз маъносини сақлаб қолади. Масалан, “микро.. [юн. mikros – кичик]”⁷ юонон тилидан олинган, “кичик” деган маънони англатади. Айнан бир терминологияга боғланиб қолмаган, турли соҳа терминларини ясади ва доимо ўзининг семантик маъносини сақлаб қолади: *микроавтобус* (транспорт соҳаси), *микротўлқин* (*физика*), *микроэлемент*, *микрозарра* (*кимё*). Шунингдек, “моно... [юн. monos – бир, якка, ягона]”⁸ – монокультура (қишлоқ хўжалигида), монолог (тилшунослик), монография (тилшунослик), моноблок (компьютер техника), монотеизм (диншунослик); “мега... [юн. megas – катта]”⁹ – *мегаполис* (сиёсий география), *мегабайт* (компьютер технологиялари), *мегаспоралар* (биология) ва ҳоказо. Кўриб турганимиздек, юқорида келтирилган терминлар турли соҳаларга тегишли эканлигига қарамасдан, улардаги терминэлементлар ўз маъносини сақлаб қолган.

Халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган мураккаб терминларда асосий семантик юклама сўзнинг иккинчи қисмига тушади, чунки терминэлемент

⁶ Реформатский А.А. Введение в языкоковедение. – Москва: АСПЕНТ ПРЕСС, 1996. – 275 с. – С. 65.

⁷ Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луфати. – Тошкент: Donishmand ziyosi, 2020. – 279 б. – Б. 125.

⁸ Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луфати. – Тошкент: Donishmand ziyosi, 2020. – 279 б. – Б. 127.

⁹ Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луфати. – Тошкент: Donishmand ziyosi, 2020. – 279 б. – Б. 118.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

эмас, балки терминнинг айнан мана шу иккинчи таркибий қисми унинг қайси соҳага тегишли эканлигини белгилайди.

Ўзбек ва рус тилларининг изоҳли луғатларида қишлоқ хўжалигига оид *агро-, зоо-, моно-, микро-, супер-, ихтио-, фото-, гидро-* терминэлементлари ёрдамида ясалган мураккаб ҳалқаро терминлар борлиги аниқланди. Улар орасида *агро-* терминэлементи фақат қишлоқ хўжалигига оид мураккаб терминлар ясами кузатилди: *агрокультура, агроном, агрономия, агросаноат, агрокимё, агротадбир* ва ҳоказо, зоо – ҳайвонот оламига тегишли бўлган терминларни (зоология, зоотехния, зооинженерия), гидро – сувга алоқадор терминларни (гидроиншоот, гидропоника). Колган терминэлементлар эса қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда ҳам терминлар ясади, масалан: микроэлемент (кимё), фотосинтез (кимё), фотошоп (компьютер технологияси) ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Буковска В. Проблема выделения типов терминов, классификация / International jurnal of Management and Economics 5, 1998. – 199-208 с. – С. 200. International_Journal_of_Management_and_Economics-r1998-t5-s199-208.pdf. Мурожаат санаси: 04.08.2024.
- 2.Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии / Вопросы теории и методики. – М.: Изд-во Академии Наук СССР, 1961. – 157 с. – С.15.
- 3.Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва: Издательство Наука, 1977. – 246 с. – С.107.
- 4.Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва: Издательство Наука, 1977. – 246 с. – С.119.
- 5.Дмитриева О.Н. Перевод сложных и производных клинических терминов на занятиях по латинскому языку и основам медицинской терминологии / Научно-методический эл. журнал Концепт, 2017. – Т.30. – С 16. // <http://e-koncept.ru/2017/770955.htm>. Мурожаат санаси: 04.08.2024.
- 6.Реформатский А.А. Введение в языкознание. – Москва: АСПЕНТ ПРЕСС, 1996. – 275 с. – С. 65.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

- 7.Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли иллюстратив луғати. – Тошкент: Donishmand ziysi, 2020. – 279 б. – Б. 125.
- 8.Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэlementларнинг изоҳли иллюстратив луғати. – Тошкент: Donishmand ziysi, 2020. – 279 б. – Б. 127.
- 9.Мадвалиев А. ва бошқалар. Халқаро терминэlementларнинг изоҳли иллюстратив луғати. – Тошкент: Donishmand ziysi, 2020. – 279 б. – Б. 118